



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

МИКРОМОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ЛОМБАРДЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ ШАРҲИ

2024 йил якуни бўйича

МУНДАРИЖА

I. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар инфратузилмалари	2
II. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар кредитлаш амалиётлари ва уларнинг сегментацияси	4
III. Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг асосий кўрсаткичлари динамикаси	9
3.1. Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг активлари	9
3.2. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар мажбуриятлари	13
3.3. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар капитали	16
3.3.1. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар рентабеллик кўрсаткичлари	17
3.3.2. Активлар ва капитал рентабеллиги	19

Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг молиявий ҳолати шарҳи

Мазкур шарҳ 2024 йил якунлари бўйича микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг асосий ҳамда молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, хусусан активлари, мажбуриятлари, капитал ва даромадлилигида юзага келган асосий тенденцияларни изоҳлайди.

I. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар инфратузилмалари


2024 йил давомида микромолиявий хизматлар бозорида янги иштирокчи сифатида **16 та** микромолия ташкилоти ҳамда **8 та** ломбард ва уларнинг **151 та** филиаллари (*112 та микромолия ташкилоти ва 39 та ломбардлар*) ташкил этилиб, уларнинг умумий сони **192 та**, шундан микромолия ташкилотлари **100 та** (*филиаллар сони 236 та*) ва ломбардлар **92 тага** (*филиаллар сони 71 та*) етди.

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар таркибида чел эл капитали мавжуд бўлган микромолия ташкилотлари сони ўтган йилга нисбатан 5 тага ортиб, 2024 йилда **20 тага** (*микромолия ташкилотлари 12 та ва ломбардлар 8 та*) етган.


1-чизма

2-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар бош офислари сони



Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг филиаллари сони




Бунда, фаолият юритаётган микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг энг кўп қисми **Тошкент шаҳри (44 та микромолия ташкилоти ва 47 та ломбард)** ва **Фарғона вилояти (19 та микромолия ташкилоти ва 4 та ломбард)** ҳиссасига тўғри келса, Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятларида **1** тадан бош офислари жойлашган.

Мазкур ташкилотлар филиаллари дислокация бўйича **Тошкент шаҳрида ломбардларнинг 26 та филиаллари** ва микромолия ташкилотларининг **24 та филиаллари** фаолият юритса, **Сирдарё** вилоятида мазкур кўрсаткич мос равишда жами **2 та** ва **5 тани** ташкил этади.


3-чизма

4-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар бош офисларининг ҳудудлардаги тақсимооти



Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг филиаллари сонининг ҳудудлардаги тақсимооти



II. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар кредитлаш амалиётлари ва уларнинг сегментацияси


Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан 2024 йил йилнинг январь-декабрь ойларида жами **16 трлн сўм** миқдорида кредитлар ажратилиб, кредитлаш миқдори ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **85 фоизга** ошган. Бунда, кредитлашнинг **89 фоизи (14,4 трлн сўми)** микромолия ташкилотлари ва **11 фоизи (1,8 трлн сўми)** ломбардлар ҳиссасига тўғри келган.

Кредитлаш амалиётларининг ўсиш суръати микромолия ташкилотларида **104,5 фоиз** ва ломбардларда **10 фоизни** ташкил этган.

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ажратилган кредитларнинг **15,2 трлн сўми** ёки **94 фоизи жисмоний шахсларга** ва **963 млрд сўми** ёки **6 фоизи юридик шахсларга** ажратилган кредитлар ҳиссасига тўғри келади.

5-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ажратилган кредитлар миқдори




Ажратилган кредитлар сегментациясида 2024 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида ажратилган **онлайн** кредитларнинг жами микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ажратилган кредитлардаги улуши **54 фоизни** ташкил этган этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **25 фоиз** бандга ортган.

Онлайн кредитлаш ҳажмининг кескин ошиши жисмоний шахслар томонидан **“Uzum Market”** электрон платформаси, **“Uzum Tezkor”** етказиб бериш хизмати ва **“Uzum Nasiya”**га уланган бошқа савдо шаҳобчалардан товар хом-ашё сотиб олишда, **“Шаффоф-Молия”** (5 трлн сўм) ва **“Тезкоин”** (2 трлн сўм) микромолия ташкилотлари томонидан онлайн кредитлар ажратилиши билан изоҳланади.

6-чизма

Ажратилган онлайн ва офлайн кредитларнинг сегментацияси



Манба: Марказий банк маълумотлари

Микромолия ташкилотларида исломий молиялаштиришга оид **“муробаҳа”, “исломий ижара”, “салам”, “мушорака”** ва **“музораба”** хизматлари кўрсатилишига рухсат этилган.


Исломий молиялаштиришга оид хизматлар ҳажми 2024 йилнинг август-декабрь ойларида **1,1 млрд сўмга** етган ҳолда, тизимдаги барча микромолия ташкилотлари томонидан ажратилган кредитларнинг **0,008 фоизини** ташкил этган.

Бунда, 1,1 млрд сўмлик “муробаҳа” ва 7,4 млн сўмлик “исломий ижара” хизматлари кўрсатилган.

“Микромолия ташкилотлари томонидан исломий молиялаштиришга оид хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 3536, 2024 йил 26 июль) қабул қилингандан сўнг, микромолия ташкилотларига исломий молиялаштиришга оид хизматларни кўрсатишга рухсат берилди.

7-чизма

Микромолия ташкилотлари томонидан исломий молиялаштиришга оид кўрсатилган хизматлар ҳажми



Манба: Марказий банк маълумотлари

Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар миқдорлари бўйича сегментациясида 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ажратилган кредитларнинг йирик қисми (**46 фоизи**) **10 млн сўмгача** бўлган кредитларни, **20-50 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **25 фоизни**, **50-100 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **15 фоизни** ва **10-20 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **14 фоизни** ташкил этган.

Мазкур кредитлар улушининг ўзгаришида **20-50 млн сўмгача** бўлган кредитлар 2023 йилнинг январь-декабрдаги **46 фоиздан** 2024 йилнинг ўтган 12 ойи якунларида **21 фоизга** пасайиб, жисмоний шахсларга жами ажратилган кредитлардаги улуши **25 фоизни** ташкил этди.

Ушбу пасайиш тенденцияси **10-20 млн сўм** миқдоридаги кредитларда ҳам кузатилиб, уларнинг жами ажратилган кредитлардаги улуши ўтган йилдаги **16 фоиздан** жорий йилда **14 фоизгача** қисқарган.


Бироқ, жисмоний шахсларга ажратилган **10 млн сўмгача** бўлган кредитлар ҳажмида 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида **13 фоизлик** ўсиш кузатилиб, уларнинг улуши жами **жисмоний шахсларга ажратилган кредитларда 46 фоизга** етган.

Шунингдек, сезиларли ўсиш тенденцияси йирик миқдорда ажратилган кредитлар ҳажмида ҳам кузатилди. Унга кўра, **50-100 млн сўм** миқдоридаги кредитларнинг жами жисмоний шахсларга ажратилган кредитлардаги улуши ўтган йилгаги **5 фоиздан** жорий йилда **15 фоизга** етди.

Мазкур ҳолат жисмоний шахсларга микроқарзлар ажратишда микроқарзлар суммасининг 50 млн сўмдан 100 млн сўмгача ошириш бўйича қонунчилик талабларига киритилган ўзгартиришлар билан изоҳланади.

8-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг миқдорлар бўйича тақсимланиши




Юридик шахсларга ажратилган кредитлар миқдорлари сегментациясида 50-100 млн сўмгача бўлган кредитлар улуши 30 фоизни, 50 млн сўмгача бўлган кредитлар улуши 29 фоизни, 100-200 млн сўмгача бўлган кредитлар улуши 25 фоизни, 200-300 млн сўмгача бўлган кредитлар улуши 14 фоизни ва 300 млн сўмдан юқори бўлган кредитлар улуши 2 фоизни ташкил этган.

Мазкур кредитлар улушининг ўзгаришида ўтган йилга нисбатан жорий йил давомида **50-100 млн сўмгача** бўлган кредитлар **21 фоиз** бандга камайиб, **30 фоизни** ва **300 млн сўмдан юқори** бўлган кредитлар **4 фоиз** бандга пасайган ҳолда **2 фоизни** ташкил этди.

Аксинча, **50 млн сўмгача** бўлган кредитларнинг жами юридик шахсларга ажратилган кредитлардаги улуши **25 фоиз** бандга ошиб, **29 фоизга**, шунингдек **100-200 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **1 фоиз** бандга ошиб, **25 фоизга** етган.

9-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан юридик шахсларга ажратилган кредитларнинг миқдорлар бўйича тақсимланиши




III. Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг асосий кўрсаткичлари динамикаси

3.1. Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг активлари қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,7 баробарга** ортиб, 2025 йил 1 январь ҳолатига **8,4 трлн** сўм доирасида шаклланди. Бунда, микромолия ташкилотларининг активлари **1,8 баробарга** (3,4 трлн сўмга) ўсиб, **7,9 трлн** сўмга ва ломбардлар активлари **1,5 баробарга** (162 млрд сўмга) кўпайиб, **498 млрд** сўмга етган.

10-чизма


Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар активлари миқдори



Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар жами активларининг **99 фоизи** (8 трлн сўми) кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келиб, активлар ўсиши асосан кредит қўйилмаларининг **1,8 баробарга**, хусусан микромолия ташкилотларида **1,9 баробарга**, ломбардларда **1,5 баробарга** ўсиши ҳисобига юзага келган. Натижада, 2024 йил якунларида микромолия ташкилотлари ва ломбардлар кредитларининг барча кредит ташкилотлар умумий кредит қолдиғидаги улуши **1,5 фоизга** етди.

11-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар кредит қўйилмалари динамикаси




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан **жисмоний шахсларга** ажратилган **микроқарзлар** қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,8 баробарга** ортиб, **7,1 трлн сўмга**, **истеъмол** кредитлари ҳажми эса **2,5 баробарга** ошиб, **12,4 млрд сўмга** етган бўлса, **тадбиркорлик субъектларига** ажратилган **микрокредитлар** қолдиғи қарийб **2,1 баробарга** кўпайиб, **379 млрд сўмга**, лизинг хизматлари ҳажми **8,5 баробарга** ошиб, **93,1 млрд сўмга** ҳамда факторинг хизматлари ҳажми **1,2 млрд сўмга** ошиб, **9,5 млрд сўмга** етган.

12-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ажратилган кредит турлари қолдиғи



Манба: Марказий банк маълумотлари

Микромолия ташкилотларида муаммоли кредитлар (NPL) 2024 йил бошидан ҳисобот даври санасига **0,3 фоиз** бандга ошиб, **2,4 фоизни** (қолдиғи 184 млрд сўм) ташкил этади. Бунда, муаммоли кредитларнинг ўсиши “шубҳали” кредитлар ҳажмининг жами кредит қолдиғидаги улушининг **2,1 фоизга** етиши ва “умидсиз” кредитларнинг жами кредит қолдиғидаги улушининг **0,3 фоизга** етиши билан изоҳланади.


Маълумот учун: микромолия ташкилотларида муаммоли кредитлар (NPL) “шубҳали” ва “умидсиз” кредитлардан ташкил топган.

Муаммоли кредитларни қоплаш коэффиценти (*NPL coverage ratio*) ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **4 фоиз бандга камайган ҳолда, 2024 йил якуни бўйича **57 фоизни** ташкил этган.**

Мазкур ҳолат микромолия ташкилотларида 2024 йилда муаммоли кредитларни **97 млрд сўмга** ёки **110 фоиз** бандга ошиши билан изоҳланади.

13-чизма

Муаммоли кредитлар ва уларни қоплаш коэффиценти




Манба: Марказий банк маълумотлари

3.2. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар мажбуриятлари

2024 йилда микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг жами мажбуриятлари **2 баробарга** (2,7 трлн сўмга) ошиб, **5,5 трлн сўмни** ташкил этган. Хусусан, **микромолия ташкилотларининг** мажбуриятлари **2 баробарга** (2,6 трлн сўмга) ошиб, **5,4 трлн сўмни**, **ломбардларда эса 3 баробарга** (80 млрд сўмга) кўпайиб, **121 млрд сўмни** ташкил этган.

14-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар мажбуриятлари динамикаси




Микромолия ташкилотларининг жами мажбуриятлари 2025 йил 1 январь ҳолатига ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **97 фоизга** ошган ҳолда **5,4 трлн сўмни** ташкил этиб, унинг **16 фоизи** таъсисчилар, **47 фоизи** тижорат банклари, **7 фоизи** халқаро молия институтлари, **14 фоизи** маҳаллий компаниялардан, **2 фоизи** облигацияларни жойлаштириш ва **14 фоизи** бошқа мабуриятлардан шаклланган.

Бунда, жалб этилган маблағларда таъсисчилар маблағлари **1,9 баробар** (397 млрд сўм), тижорат банклари ресурслари **2 баробар** (1 283 млрд сўм), халқаро молия институтлари маблағлари **1,7 баробар** (154 млрд сўм), маҳаллий компаниялардан жалб этилган маблағлар **3,2 баробар** (516 млрд сўм) ва облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағлар **2,9 баробарга** (72 млрд сўм) ошган.

15-чизма

Микромолия ташкилотлари мажбуриятлар таркиби




Ломбардларнинг жами мажбуриятлари 2025 йил 1 январь ҳолатига ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **194 фоизга** ошган ҳолда **121 млрд сўмни** ташкил этиб, унинг **64 фоизи** таъсисчилар, **18 фоизи** тижорат банкларидан жалб этилган маблағлар ва **18 фоиз** бошқа мажбуриятлар ҳисобидан шаклланган.

Бунда, ломбардлар жами мажбуриятлари таркибида таъсисчилар маблағлари **2,4 баробарга** (45 млрд сўм), тижорат банклари ресурслари **4,6 баробарга** (17 млрд сўм) ҳамда маҳаллий компаниялардан жалб этилган маблағлар **5,4 баробарга** (19 млрд сўм) ошган.

16-чизма

Ломбардлар мажбуриятлари таркиби




3.3. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар капитали

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар жами капитали ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,4 баробарга** (847 млрд сўм) кўпайиб, 2025 йил 1 январь ҳолатига **2,9 трлн сўмга** етган. Бунда, **микромолия ташкилотларининг** жами капитали **1,4 баробарга** (764 млрд сўм) ошиб, **2,5 трлн сўмни** ва **ломбардларда** **1,3 баробарга** (83 млрд сўм) ўсиб, **378 млрд сўмни** ташкил этган.

Бунда, микромолия ташкилотларининг жами капитали ўсишида устав капиталининг **443 млрд сўм** (54 фоиз), жорий йил фойдаси **158 млрд сўм** (23 фоиз), тақсимланмаган фойда **122 млрд сўм** (72 фоиз) ва захира капитали **41 млрд сўмга** (70 фоиз) ошиши асосий омиллар бўлган бўлса, ломбардларда жорий йил фойдаси **47 млрд сўм** (39 фоиз), тақсимланмаган фойда **33 млрд сўм** (54 фоиз), устав капитали **14 млрд сўмга** (15 фоиз) ўсиши ҳамда захира капитали **11 млрд сўмга** (51 фоиз) камайиши ҳисобига юзага келган.

17-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар жами капитал динамикаси





Шунингдек, 2024 йилда ўтган йилга нисбатан микромолия ташкилотлари жами устав капитали таркибида хориж капиталининг улуши **9,1 фоиздан 8,9 фоизга (112 млрд сўм)** пасайган бўлса, ломбардларда **16,8 фоиздан 17,3 фоизга (18 млрд сўм)** етган.

18-чизма

19-чизма

Устав капиталида хориж капитали мавжуд микромолия ташкилотлари

Устав капиталида хориж капитали мавжуд ломбардлар



Манба: Марказий банк маълумотлари

3.3.1. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар рентабеллик кўрсаткичлари

2024 йил январь-декабрь ойлари якунлари бўйича микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг жами даромадлари **3,4 трлн сўмни**, жами харажатлари **1,5 трлн сўмни** ташкил этиб, жами **1 трлн сўм** миқдорида соф фойда олинган.


Бунда, **микромолия ташкилотларида** жами даромадлар **3 трлн сўмни**, жами харажатлар **1,4 трлн сўмни** ва соф фойда **833 млрд сўмни** ташкил этган бўлса, **ломбардларда** эса жами даромадлар **354 млрд сўмни**, харажатлар **138 млрд сўмни** ташкил этиб, **170 млрд сўм** миқдорида соф фойда олинган.

Микромолия ташкилотлари фоизли даромадлари жами даромадларнинг **70 фоизини** ташкил этиб, унинг **99,3 фоизи** ажратилган кредитлар (*молиявий хизматлар*) ҳисобига шаклланган.

Микромолия ташкилотлар жами харажатлари таркибида фоизсиз харажатлар **10 фоизни**, операцион харажатлар **44 фоизни** ва фоизли харажатлар **46 фоизни** ташкил этган. **Ломбардлар** жами харажатлари таркибида фоизсиз харажатлар **11 фоизни**, операцион харажатлар **81 фоизни** ва фоизли харажатлар **8 фоизни** ташкил этади.

20-чизма


Микромолия ташкилотларининг кредитлардан олинган фоизли даромадларини жами даромадлардаги улуши динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

21-чизма

Ломбардларнинг фоизли даромадларини жами даромаддаги улуши динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Микромолия ташкилотлари томонидан микромолиявий хизматлар кўрсатиш орқали олинаётган фоизли даромадларда кўрсатилаётган хизматларлар сегментацияси улушида микроқарзларнинг улуши **97-99 фоиз** оралиғида шаклланган.

22-чизма

Микромолия ташкилотларининг фоизли даромадлари таркибидаги молиявий хизмат турлари бўйича даромадлари динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

3.3.2. Активлар ва капитал рентабеллиги

Микромолия ташкилотларида активлар рентабеллик кўрсаткичи (ROA) ўтган йил бошига нисбатан **9 фоиз** бандга камайиб, таҳлил санасида **19,4 фоизни** ташкил этган.


Шунингдек, капитал рентабеллик кўрсаткичи (ROE) ўтган йил бошига нисбатан **23,7 фоиз** бандга камайиб, 2025 йилнинг 1 январь ҳолатига **40,5 фоизга** етган.

Мазкур ҳолат микромолия ташкилотлари соф фойдасининг активлар ва капитал кўрсаткичлари ўсиш суръатига нисбатан номутаносиб равишда ўсиши билан изоҳланади.

Бунда, микромолия ташкилотларининг жами ўртача активлари ҳамда капитали ўтган бир йил давомида мос равишда 2 баробар ва 1,5 баробарга ошган бўлса, соф фойда ушбу даврда 34 фоизга ошган.

23-чизма

Микромолия ташкилотларининг рентабеллик кўрсаткичлари динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Шу билан бирга, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига ломбардларда активлар рентабеллик кўрсаткичи (ROA) 55,6 фоиз ва капитал рентабеллик кўрсаткичи (ROE) 52,0 фоизни ташкил этиб, ушбу кўрсаткичлар жорий йилнинг ўтган даврида мос равишда 56-59% ва 49-54% фоиз оралиғида шаклланган.

24-чизма

Ломбардларнинг рентабеллик кўрсаткичи динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари